XALQ DEPUTATLARI YANGI NAMANGAN TUMANI KENGASHINING
Q A R O R I

2022 - yil 25 - fevral VI-7-4-6-222-K/22 Yangi Namangan tuman hokimligi

“Ишонч”, “Истиқбол”, “Келажак тонги” маҳаллаларини бўлиш ва янги маҳаллаларни ташкил қилиш ҳамда “Шербулоқ” маҳалласининг чегарасини ўзгартириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 48-сон қарори ва Ўзбекистон Республикасининг “Норматив ҳуқуқий хужжатлар тўғрисида”ги Қонуни, вилоят ҳокимлигининг Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссиясининг 2022 йил 4 февралдаги ижобий хулосаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Янги Наманган тумани ҳокимининг “Ишонч”, “Истиқбол”, “Келажак тонги”, маҳаллаларини бўлиш ва янги маҳаллаларни ташкил қилиш ҳамда “Шербулоқ” маҳалласининг номини ўзгартириш тўғрисидаги таклифлари ва вилоят ҳокимлигининг Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссиясининг 2022 йил 4 февралдаги ижобий хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Ишонч” маҳалласидан ажралиб чиқаётган янги маҳаллага “Садоқат”, “Истиқбол” маҳалласидан ажралиб чиқаётган янги маҳаллага “Бинокор”, “Келажак тонги” маҳалласидан ажралиб чиқаётган янги маҳаллага “Нурли келажак” номлари берилсин.

3. Қуйидагилар:

“Ишонч” маҳалласини янги чегарасининг тавсифи ва чизмаси 1-иловага мувофиқ;

“Истиқбол” маҳалласини янги чегарасининг тавсифи ва чизмаси 2-иловага мувофиқ;

“Келажак тонги” маҳалласини янги чегарасининг тавсифи ва чизмаси 3-иловага мувофиқ;

“Садоқат” маҳалласи чегарасининг тавсифи ва чизмаси 4-иловага мувофиқ;

“Бинокор” маҳалласи чегарасининг тавсифи ва чизмаси 5-иловага мувофиқ;

“Нурли келажак” маҳалласи чегарасининг тавсифи ва чизмаси 6-иловага мувофиқ;

“Шербулоқ” маҳалласини янги чегарасининг тавсифи ва чизмаси 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Янги Наманган тумани ҳокимлиги:

а) 10 кун муддатда “Шербулоқ” маҳалласининг чегарасини ўзгартириш ҳамда “Ишонч” “Истиқбол”, “Келажак тонги”, маҳаллаларини бўлиш ва “Садоқат”, “Бинокор”, “Нурли келажак” маҳаллаларини ташкил қилиш ташкил этиш билан боғлиқ зарур комплекс ташкилий-техник тадбирлар режасини ишлаб чиқиб тасдиқласин ва уларнинг белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминласин;

б) “Шербулоқ” маҳалласининг чегарасини ўзгартириш ҳамда “Ишонч”, “Истиқбол”, “Келажак тонги”, маҳаллаларини бўлиш ва “Садоқат”, “Бинокор”, “Нурли келажак” маҳаллаларини ташкил қилиш билан боғлиқ юзага келадиган ижтимоий ҳамда иқтисодий масалаларни ўз вақтида ҳал этилишини таъминласин;

в) янги ташкил этилаётган маҳалла фуқаролар йиғинларини зарур бино-иншоот ҳамда моддий-техника воситалари билан таъминлаш чораларини кўрсин;

5. Янги Наманган тумани статистика бўлими туман (Ф.Абдуллаев)

маҳалла ва оила бўлими (О.Дадашов) билан биргаликда 1 ой муддатда “Шербулоқ” “Ишонч”, “Истиқбол”, “Келажак тонги” маҳалла фуқаролар йиғинларига боғлиқ бўлган статистик маълумотларга ўзгартиришлар киритиб, янги ташкил бўлган “Садоқат”, “Бинокор”, “Нурли келажак” маҳаллаларига боғлиқ бўлган статистик маълумотларни шакллатирсин.

6. Янги Наманган тумани молия бўлими (Ш.Жамалов) туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими (О.Дадашов) ва туман иқтисодий тараққиёт ва қамбғалликни қисқартириш бўлими (А.Жўрабаев) билан биргаликда янги ташкил этилаётган маҳалла фуқаролар йиғинларида фаолият олиб борувчи ходимларни ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман ҳокимининг ёрдамчиси ва маҳалладаги ёшлар етакчиси штатларини 2022 йилги бюджет параметрларида назарда тутиш чораларини кўрсин.

7. Кадастр агентлиги туман бўлими (А.Усманов) 10 кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигига Географик объектларнинг номлари давлат реестрига киритиш учун тегишли ҳужжатларни юборсин.

8. Ушбу қарор “Наманган садоси” газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда расмий эълон қилинганидан кейин бир кун ичида Янги Наманган тумани ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

9. Қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

10. Мазкур қарорни бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари Янги Наманган тумани Кенгаши котибияти мудири М.Жамолитдинов зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Янги Наманган тумани Кенгаши раиси **Ж.Абдуллаев**

Xalq deputatlari Yangi Namangan tuman Kengashining
2022 yil 25 fevraldagi
VI-7-4-6-222-K/22-son qaroriga
1-ilova

Янги Наманган туманида жойлашган "Ишонч" МФЙ
худудини харитаси

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 4-мартдаги 48-сонли
карорига асосан

ТАВСИФИ

МФЙнинг умумий ер майдони 179.8 га

Хонадон сони 760 та

Аҳоли сони 6815 нафар

Чегарадош МФЙлар билан келишилди

«Келажак тонги» МФЙ _____

«Истиқбол» МФЙ _____

«Шербулоқ» МФЙ _____

«Атанган гузар» МФЙ _____

Xalq deputatlari Yangi Namangan tuman Kengashining
2022 yil 25 fevraldagi
VI-7-4-6-222-K/22-son qaroriga
2-ilova

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Махкамасининг
2014 йил 4-мартдаги 48-сонли
карорига асосон

Янги Наманган туманида жойлашган "Истиқбол" МФЙ худудини харитаси

ТАВСИФИ

МФЙнинг умумий ер майдони 180.63 га

Хонадон сони 1384 та

Аҳоли сони 6813 нафар

Четарадош МФЙлар билан келишилди

«Кенжаки янги» МФЙ

«Ишонч» МФЙ

Xalq deputatlari Yangi Namangan tuman Kengashining
2022 yil 25 fevraldagi
VI-7-4-6-222-K/22-son qaroriga
3-ilova

Кенгашининг 2022 йил _____февралдаги
№ _____-сонли қарорига 3-илова

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Махкамасининг
2014 йил 4-мартдаги 48-сонли
қарорига асосон

Янги Наманган туманида жойлашган "Келажак тонги" МФЙ худудини харитаси

ТАВСИФИ

МФЙнинг умумий ер майдони 159.73 га

Хонадон сони 571 та

Аҳоли сони 4655 нафар

Чегарадош МФЙлар билан келишилди

«Истиқбол» МФЙ _____ Н. Назарова

«Шербулоқ» МФЙ _____ К. Шоралиев

«Сохил» МФЙ _____ Х. Саттаров

Xalq deputatlari Yangi Namangan tuman Kengashining
2022 yil 25 fevraldagi
VI-7-4-6-222-K/22-son qaroriga
4-ilova

Янги Наманган туманида Янги ташкил топаётган “Садоқат” МФЙнинг худудини харитаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4-мартдаги 48-сонли карорига асосон

ТАВСИФИ

МФЙнинг умумий ер майдони 114,19 га

Хонадон сони 652 та

Ахоли сони 4900 нафар

Чегарадош МФЙлар билан келишилди

«Ишонч» МФЙ _____

«Истиқбол» МФЙ _____

«Чаманзор» МФЙ _____

«Атанган гузар» МФЙ _____

Xalq deputatlari Yangi Namangan tuman Kengashining
2022 yil 25 fevraldagi
VI-7-4-6-222-K/22-son qaroriga
5-ilova

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 4-мартдаги 48-сонли
қарорига асосан

Янги Наманган туманида янги ташкил топаётган “Бинокор” МФЙ худудини харитаси

ТАВСИФИ

МФЙнинг умумий ер майдони 275.12 га

Хонадон сони 1031 та

Аҳоли сони 4703 нафар



Чегарадош МФЙлар билан келишилди

«Истиқбол» МФЙ _____ Н. Назарова

«Келажак тонги» МФЙ _____ Ш. Нажмиддинов

«Ғунча» МФЙ _____ А. Ҳорисов

«Чаманзор» МФЙ _____ М. Нажмиддинова

«Қурашхона» МФЙ _____ А. Тадчибаев

Xalq deputatlari Yangi Namangan tuman Kengashining
2022 yil 25 fevraldagi
VI-7-4-6-222-K/22-son qaroriga
6-ilova

Янги Наманган туманида Янги ташкил топаётган “Нурли келажак” МФЙнинг худудини харитаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 4-мартдаги 48-сонли карорига асосон

ТАВСИФИ

МФЙнинг умумий ер майдони 160,03 га

Хонадон сони 606 та

Ахоли сони 3951 нафар

Чегарадош МФЙлар билан келишилди

«Келажак тонги» МФЙ _____

«Саноат» МФЙ _____

«Соҳил» МФЙ _____

«Гулча» МФЙ _____

Xalq deputatlari Yangi Namangan tuman Kengashining
2022 yil 25 fevraldagi
VI-7-4-6-222-K/22-son qaroriga
7-ilova

Янги Наманган туманида жойлашган "Шербулок" МФЙ
худудини харитаси

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 4-мартдаги 48-сонли
карорига асосон

ТАВСИФИ

МФЙнинг умумий ер майдони 587.49 га

Чегарадош МФЙлар билан келишилди

Ишонч ҳатлари

«Келажак тонги» МФЙ